

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

## Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҲАЛАБА КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН  
УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ  
РАҒБАТЛАНТИРИШ ТҒҒРСИДА

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишда, унинг иқтисодий, маданиятини ривожлантиришдаги, мустақиллигини шакллантиришдаги, ёш авлодини тарбиялашдаги қатнашчиларини уруш, шунингдек 9 Май — Ҳалаба кунини муносабати билан:

1. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногирон байналмидал жағчилар, шунингдек ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари 10 минг сўм миқдорда пул билан мунофотлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг пенсия

жағмармаси билан биргаликда бир ҳафта мудат ичида мазкур фармонда кўзда тутилган ҳаражатларни пул билан таъминлаш тартиби ва манбаларини аниқласин.

3. Ўзбекистон Республикасининг марказий банки, Ўзбекистон Республикасининг пенсия жағмармаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати юқорида кўрсатилган мунофотларнинг ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
1993 йил 26 апрель.

### ПРЕЗИДЕНТ ЁЗУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 апрель кунин республикамизнинг бир гуруҳ адаблари билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент мамлакатимиз истиқлолийн мустақиллаштириш, мустақил Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятини ишлаб чиқиш, она Ватан учун фидойи, мард инсонларни тарбиялаш, халқимизнинг маънавий дунёсини боғиштириш каби улкан ва шарафли ишларни амалга оширишда республика ээлилари, жумладан, ёзувчиларнинг муҳим ўрни ҳақида сўзлашди.

Истиқлол буюк маънавий неъматдир, деди жумладан Ислам Каримов, уни авлодларга безавол ва мукамал етказмоқ бизга насиб этди. Бу муқаддас вазифани адо этмоқда ҳар биримиз тайёр туришимиз керак. Ватан туйғусини теран тушуниш, мустақилликнинг аҳамиятини, моҳиятини қай да-

ражада англаб етиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир. Ҳозирги сермашқатли меҳнати билан инсонлар қалбига йўл топа оладиган ёзувчилар бу ўринда катта ишлар қилишлари лозим.

Ёзувчилар Ислам Каримов амалга ошираётган оқилона ишни ва таъиниётини қўллаб-қувватлашларини таъкидладилар. Улар бугунги кунда мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, ҳамжиҳатликни сақлаш йўлида қўлларидан келган барча ишларни адо этишга тайёрликларини изҳор эттишти.

Учрашувда ижодкорларини, хусусан, ёш ижодкорларини ижтимоий ҳимоялаш, адабларнинг қалам ҳақларини кўриб чиқиш ва бошқа масалалар юзасидан амалий тақлифлар билдирилди.

Ёзувчилар самимий суҳбат учун Президентга миннатдорлик изҳор этдилар.

(ҒЗА).

## ХАЛҚИМИЗГА СИДҚИДИЛДАН ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК!

Тошкент вилояти шаҳар ва районлари фаолларининг йиғилишларидан

**ВИЛОЯТИМИЗНИНГ** барча шаҳар ва районларида республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг 3 апрель кунин халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ва 13 апрель кунин Термиз шаҳрида, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган мунофотларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилишга бағишлаган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Ана шу анжуманиларнинг иштирокчилари Президент томонидан қўйилган долзарб вазифалардан келиб чиқиб фаолликларни йўналишларини белгилаб олмоқда. Мажбурият қилиб кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари, ўз ишларига таъкид қилиш ва талабчанлик билан ёндашиш, ҳозирги нуқтани назардан баҳоламоқдалар.

Йиғилишларда сўзга чиққанлар Ислам Абдуғаниевичнинг ҳозирги бош масала — халқ таъминоти эканлиги, бундан боғлиқликнинг бунёдкори — халққа шарт-шароитлар яратиш берилган зарурлиги тўғрисидаги фикрларини қайта-қайта таъкидладилар ва қўллаб-қувватладилар. Бу борада вилоятимизда катта эътибор берилмаётганлиги қарамай, ҳали савдо хизмати кўрсатишда камчиликлар мавжудлигини қайд қилдилар. Мухокамалар жараёнида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда маҳаллийлик, қариндош-уруғчиликка қараб эмас, балки уларнинг ишчанлик қобилиятини ва малакасини қараб қўйиш муҳимлигини эътиборга олдилар.

Ҳозирда ҳокимликларнинг, халқ депутатлари кенгашларининг биринчи навбатда кишилар фаронлигини таъминлаш, уларнинг эҳтиёжларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш, қатъий меҳнат интизомига риоя этиш, хўжаликка барҳам бериш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда.

Ҳуқуқдорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш бора-

да Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси Кенгаши раисининг муовини Қ. М. Рафиқов, вилоят касаба уюшмаси Кенгашининг раиси Д. Н. Жаҳонгирова, Янгиобод шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудирини Б. Ашрафхон, вилоят ҳокими муовини А. Абдувоситов, Бўстонлиқ районини вилоят ҳокимининг биринчи муовини Л. П. Тернових, Чирчиқ шаҳрида вилоят ҳокимининг биринчи муовини А. С. Ибобов, Ангрэн шаҳрида Ўзбекистон Касаба уюшмаси Федерацияси Кенгаши раисининг муовини Қ. М. Рафиқов, вилоят ҳокими муовини Х. Ҳ. Ҳамидов, Янгийўл шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудирини муовини Х. Р. Қанимов, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳуқуқдорлар Давлат назорат кўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчиси Б. Н. Ҳумановлар ўртоқлар иштирок этдилар.

Шунингдек, 26 апрель кунин Зангиота районида ҳам ана шундай фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг ишида Президент девонининг масъул ходими И. Ф. Шодмонқулов ва вилоят ҳокими муовини Х. Ҳ. Ҳамидов, Янгийўл районини фаоллари йиғилишида эса вилоят ҳокими муовини Б. Н. Махситов, ўртоқлар иштирок эттишти. Бу ҳар икки район фаоллари йиғилиши қатнашчилари республика Президентини И. А. Каримов номига мурожаатнома қабул қилдилар. Бундай йиғилишлар вилоятимизнинг қолган районларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Улар ҳақида ахборот берилди.

**ТОШКЕНТ** ўғитлар илмий-тадқиқот илмоғида қишлоқ ҳўжалиги таъминотининг ҳосилдорлигини оширишда қўмақлашадиган, агропромухтга зарарсиз бўлган ўғитларни яратиб борадиган етакчи олимлар билан бир қотарда ёш тадқиқотчилар ҳам жиддий ишламоқдалар.

СУРАТДА: ёш олимлар Актам Эркаев ва София Янцевалар иш устида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



## ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИ

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин турмушининг барча соҳаларида жадал рўй берган ўзгаришлар «Ўзбекистон: Янгилаш йўли» фильмида ифода этилган. Бу фильм республика илмий-оммабош ва ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинган. Фильм режиссери — Д. Салимов.

Ҳужжатли киночиларнинг мазкур асарини мустақил демократик давлат барпо этиш борасида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққий йўли» китобида баён этилган беш асосий принцип қандай амалга оширилаётганини тасвирлайди. Фильм республика таъини ва ички сиёсати концепциясининг асосий қондаларини таърифлайди.

Ҳужжатли лента ижодкорлари муркаб мавзу-

ни жуда яхши ҳал этиш йўлини топганлар, республиканинг ҳозирги кунини, унинг имкониятларини тарихий воқеаларга қиёсан кўрсатиб берганлар.

Бу қадимий дийрда ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва бошқа буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар яшаб ижод этган. Уларнинг асарларини ушбу замоналардаёқ шайх халқларнинг таъини эмас, бутун баршариянинг ҳам мулки бўлиб қолган. Улар жаҳон фани, адабиёти, меъморчилигини юксалтиришга ҳисса қўшиб, бойитганлар. Шундай тарихи ва аждодлари бўлган халқнинг келажаги буюкдир. Ҳужжатли киночиларнинг янги иши мана шунини тасдиқлайди.

Фильм ҳозирги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини, халқро майдонга дадал чиқиб бораётганини, республикада аазалий урф-одатлар, анъаналар қайта тикланаётганини тасвирлайди.

Ўзбекистон телевидениесини «Ўзбекистон: Янгилаш йўли» фильми илк бор кўрсатилди. Фильм ижодкорлари уни кенг экранда ҳам намойиш этиш ниятидандилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг ГФРга расмий таъини арасида Бирлашган Германия аҳолисини шу фильм билан таъиништириш мўлжалланмоқда.

(ҒЗА муҳбири).

## ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

23 апрель кунин Тошкентда «Жамиятни ислоҳ қилишда Хитой таъини-басининг хусусиятлари тўғрисида» деган мавзуда республика илмий конференцияси бўлиб, уни жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги уюштирди.

ХХР давлат кенгаши бош вазири Ли Пэннинг май ойи бошларида Ўзбекистонга қиладиган расмий таъини арасида ўтказилган илмий конференцияни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ректори С. С. Саидқосимов бошқарди. У Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг конференция қатнашчиларига таъининома сини ўқиб эшиттирди.

Илмий учрашув қатнашчиларини Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Гуан Хэнгуан таъиниқлаб, Хитой томонини мустақил Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. С. Саидқосимов «Ўзбекистон ва Хитой: ҳамкорлик истиқболлари» мавзуида таъиниқлаб қилди.

Конференцияда Хитойда иқтисодий ислоҳотларнинг хусусиятлари, Хитой жамиятининг сиё-

сий шакли-шамойили тўғрисидаги илмий маърузалар ҳам тингланди. ХХР, Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар қиёсий таҳлил этилди. Ўзбекистон билан Хитойнинг олий таъини соҳасидаги ҳамкорлиги, икки мамлакат университетлари ўртасида алоқа ўрнатилмасаларига эътибор берилди, иккала давлатнинг ҳамкорлигини кенгайтиришга алоқадор бўлган бошқа муҳим муаммолар муҳокама қилинди.

Конференцияда Хитой-аммолар муҳокама қилинди. (ҒЗА).

### • Дала ишлари кундалиги БИРИНЧИ ИШЛОВ БОШЛАНДИ

ҚИБРАЙ. Район деҳқонлари сабабот этиштиришни қўлайтириш учун эрта баҳордан қарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, эртки экинларини экишга пухта тайёргарлик кўрилди. Иссиқхоналарда мўлжалданган анча ортиқ кўчат этиштирилди. Хусусан, бу йил помидордан ҳам баракали хирмон кўтариш учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Район бўйича 509 гектар майдонга помидор экиш мўлжалланган эди. Ҳозирга қадар 350 гектардан ортиқ майдонга помидорнинг «Босход» «Ўзбекистон», «Соғ» навлари кўчатлари экиб қўйилди. Бу ишда «Байтўғрон»ликлар олинди бормоқдалар. Мазкур хўжаликда ҳозирга қадар 90 гектар ҳисобидан 70 гектар ерга кўчат экилди. «Маданият» колхозида ҳам бу тадбир яхши амалга оширилмоқда.

Районда эртки картошкадан ҳам мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Ҳаммаси бўлиб 341 гектар майдон эртки картошка учун ажратилган эди. Уруғини сараланди, техникалар тўла ишга солинди. Натигада иш жадал бори. «Қизил Ўзбекистон», «Маданият», «Байтўғрон» жамоа хўжалиқлари эртки картошка экиш режасини анча бераёт қажарли қўйдилар. Ҳозирги кунга қадар районда 270 гектардан ортиқ майдонга картошка экилди.

Ҳозирда ётиб ўтган ёғир дала ишларини бироз тингизтирди. Экинган сабабот кўчатлари анча «эзилди». Лекин, миришкор ва тадбиркор деҳқонлар бу қийинчиликларни енгомқдалар. Нойларда қўшимча ишлов бериш ва озиқлантириш кучайтириб юборилди.

Эртки картошка ниҳоллари гуриқраб ўсмоқда. Айни кунларда картошкага биринчи ишлов бериш авк олдириб юборилди.

М. ИСАЕВ.

### ПИЛЛА ҚУРТИ БОҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Бу йил вилоятимизда 1580 тонна пилла этиштирилди. Шу мақсадда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. 28 минг кўчи қурт уруғини очиринишга кўйилди. Улар жонлини қолди. Апрель ойининг охирида, май ойининг бошларидан пиллакорларнинг қурт боқишга киришадилар.

Ҳар йилдагидек бу йил ҳам қуртлар асосан хонадонларда боқилди. Ҳозирги пайтда қайси хонадон қанча кўчи қурт боқди, имкониятлари қандай, ҳиловга олиб чиқилмоқда. Хонадонларни аниқлаш, уларнинг руҳиятини тузиб чиқиш ниҳоятини етай деб қолди.

Бозор иқтисоди пиллакорлар олдига ҳам қатор талабларни қўймоқда. Асосий эътиборни сифатга қаратиш муҳим вазифани «Анжикон-1», «Гибрид-3» навлари аввали навларга қаратилган анча сифатли пилла ҳосили бериши мумкинлиги ҳисобга олиниб, хонадонларда ана шу навадига пилла қуртларини боқиш йўлга қўйилди.

Бир вақтлари хонадонларга мажбурият қурт ботирилди эди. Бу эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Ҳозир ахвол қандай бўлапти? — Пиллакорларга бир қатор имтиёزلар берилди, қўлайликлар яратилди, дейди вилоят пилла ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори З. Ёўлов. «Энг муҳими шу бўлдики, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бу йилдан бошлаб пиллага эркин нарх белгиланди. Ҳар бир килограмм пиллага унинг сифатига қараб ўртача 450 сўмдан тўланади. Моддий манфаат-

дорлик, табиийки, ҳар бир пиллакорнинг меҳнатга бўлган қизиқиши, пиллачиликка бўлган илҳосини анча ортиқ қилди. Лекин ҳали ҳам бу илҳос, бу янгликнинг моҳиятини яхши тушуниб етмаганлар бор.

Пилла қурти боқиш самардорлигини ҳар жиҳатдан ошириш учун бир қатор муаммоларни ҳал этиш керак. Энг аввало тингиз пиллакорларни дала билан ўз вақтида таъминлаш гоёт қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Иннайкиёкин пиллакорларнинг ҳам меҳнатига улар олган ҳом ашвинин қайта ишланганидан, пировад натижадан олинмадиган даромадга қараб ҳақ тўлашга ўтиш зарурдир. Ҳозирча эса ундай қийинчиликлар мавжуд. Пиллакор хом ашёни қабул тармоғига олиб бориб, тортиб топширадилар. Сифатига қараб ҳақ тўлайдилар. Ҳўлаймизкин, вақти-соати келиб бу муаммо, албатта, ҳал этилади.

Шунингдек, енгил саноат билан пиллакорлар ўртасида ҳам тўсиқлар бор. Бу тўсиқлар, албатта, олиб ташланиши керак. Таъинот масаласида ҳам давлат пиллакорларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, деб ўйлаймиз.

... Мавсум яқин. Бу йил барг ҳосилнинг мўл ва сифатли бўлиши кутилмоқда. Пиллакорларимиз бу имкониятдан оқилона фойдаланиб, ўзларининг таъини, маҳоратларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилиб, қурт боқиш мавсумини уюшқонин билан ўтказадилар. Мўлжалдаги пилла ҳосилни оладилар, деб ишонимиз.

Н. ИСАЕВ.

# ОИММА ОРАСИДА

# ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР



**ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ** меҳнатқашлари ижодкорлар, жумладан, журналистлар билан бўлган учрашувлари, жонли мулоқотлари ҳаминча катта қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олинди. Вилоятимизнинг Тошкент райони меҳнатқашлари ҳам 23 апрель кун «Халқ сўзи» газетаси ходимлари билан бўлган учрашуви муҳим воқеа сифатида алоҳида шайёна билан кутиб олинди.

Тошкент районидagi Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номи жамоа ҳужалиги клуби учрашувдан анча олдин тантаналарнинг марказига айлана бошлади. Бу ерга жамоа деҳқонлари, шу ҳудудда яшайдиган турли касба мексуб ишчи-хизматчи, энгиллардан ташқари райондаги қатор ташкилот муассасалар, жамоа ҳужаликлари бошқилари, илмий муассасаларнинг мутахассислари, район фаоллари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари тўландилар.

қўпаяётганлиги, уларнинг сафи янада кенгайтишга ишонч билдирди.

Шундан сўнг «Халқ сўзи» «Народное слово» бош муҳаррири Анвар Жўрабоев ўзи раҳбарлик қилётган бу жамоаларнинг ижодий фаолиятлари, келгуси режалар хусусида гапириб берди. Муштарийлар билан ўрна тилаётган алоқаларни, бундай жонли учрашувлар биринчи бўлиб Тошкент вилоятида ўтаётганлигини таъкидлади, бугунги даврда билдирилмаган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар жамоанинг ижодий фаолиятини янада яхшилашга катта ёрдам бериши шубҳасизлигини таъкидлади.

Учрашув ўзаро фикр алмашиш ва қизгин жонли мулоқотга айланиб кетди: район ҳокими Рустам Аюбов мулоқот қатнашчилари эътиборини оммавий ахборот воситалари меҳнатқашларининг ҳаётида муҳим ўрни эгаллаётгани, газеталарнинг ҳаққоний, ҳолисона ва таъ-

муҳим мавзуларни тилга олиш билан бирга илмий-техника ва фан тараққиёти, олимлар ва илмий муассасалар фаолиятини изчил ёритилиши ҳақида истаб билдирди.

Район маҳаллалар жамоаси раиси Эркин Ғуломов, Охунбобоев номи жамоа ҳужалиги уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Ғўлдошбой Ғафоров, Масалбой қишлоқ шўроси раиси Тухтамурод Мамадалиев, район мудоаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи Аҳмадқон Юнусов ва райондаги «Шонли меҳнат» газетаси ходими шоир Нусрат Карим ўртоқлар ҳам мулоқотда сўзлашдилар. Улар «Халқ сўзи»нинг чиқишига юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, кўпчилик диққат-эътиборга тўшаётган, кенг муназарали рағ-баранг материаллар кўпчилиги манзур бўлаётганлигини айтиш билан бирга уларнинг ҳолис маслаҳатлари,

Мулоқот қатнашчиларининг фикри бир ердан чиқди, хулоса бир хил: газеталарнинг ходимлари билан меҳнат жамоалари ўртада бундай учрашувлар, жонли мулоқотларни мунтазам ўтказиб туриш зарур ва фойдали.

Шундан сўнг таниқли санъаткорлар Нуриддин Ҳамроқулов ва Маҳмуджон Азимов ҳамда уларга ҳамроҳлик қилётган хонанда-созандаларнинг куй ва кўшиқлари, шўх яллалари залда иштирок этиб ўтирган ола-сингилларнинг рақслари билан уланиб, бугунги йннинг ўзига хос ижодий кечага айлантириб юборди.

Учрашув ҳар икки томонда ҳам яхши таассурот қолдирганлиги шубҳасиз.

(Ўз муҳбиримиздан)

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ ВИЛОЯТИМИЗ ТОШКЕНТ РАЙОНИ МЕХНАТҚАШЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ ҚИЗҚАРЛИ ЖОНЛИ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТДИ.**



Суратда: бош муҳаррир Анвар Жўрабоев учрашув қатнашчиларига газета фаолияти ҳақида сўзлаб бермоқда.

Бугун бу ерга «Халқ сўзи» «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Анвар Жўрабоев бошчилигидаги бир гуруҳ ижодий ходимлар келишти.

Учрашувни Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев кириш сўзи билан очди.

Бугунги учрашув, — деди Сайфулла Давирович, — биринчи бўлиб Тошкент вилоятида ўтаётганлиги бу газета жамоаси билан вилоят меҳнатқашлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг бундан буён мустаҳкамла-нишига хизмат қилади. «Халқ сўзи» республика-миздаги етакчи нашр сифатида ташкил бўлганидан бери ўзган гоит қисқа вақт ичида ўзига хос қиёфаси ва йўналишини белгилаб олди. Президентимиз И. А. Каримов бошчилигида республика-миз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошири-лаётган улкан, тарихий, улдуғвор ишлар батафсил ва тежорик билан ёритилмоқ-да.

Хусусан, — деди Сайфулла Давирович, — унинг саҳифаларида ҳақлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ҳалқ куч-

сида доимий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан вилоятимиз делегациясининг Ленинободга қилган сафари тафсилотлари билан боғлиқ бўлган энг муҳим жиҳатларни эслатиб, бундай қардошларча ҳамкорликни оммалаштиришда рўзномалар асосий восита эканини уқтирди. Шунинг-дек у «Халқ сўзи» вилояти-мизда тобора оммалашаёт-ган, унга ёзилганлар, ҳам-да ихлосмандларнинг сони

сирчан чиқишларининг сар-мараси беқисс эканлигига қаратди. Республика-миз ҳаётини худди ана шу тарзда ёритаётган «Халқ сўзи»-нинг чиқишига қизиқиш тобора кўпаяётганлиги ҳақи-да гапириб, унинг янада оммалаш, сермазмун бўлиши юзасидан бир неча аниқ тақ-лифларни ўртага ташлади.

Райондаги Сабзавотчилик, картошқаччилик ва полизчи-лик илмий-тадқиқот институ-ти директори вазифасини ба-жарувчи Анвар Боқиев газе-тада ёритилаётган кўпгина

тақлиф-мулоҳазаларини ҳам баён этдилар. Мулоқот ўз мазмунини эъти-бори билан ана шу тарзда қизқарди «Халқ сўзи»-ни-нинг чиқишига қизиқиш тобора кўпаяётганлиги ҳақи-да гапириб, унинг янада оммалаш, сермазмун бўлиши юзасидан бир неча аниқ тақ-лифларни ўртага ташлади.

тақлиф-мулоҳазаларини ҳам баён этдилар. Мулоқот ўз мазмунини эъти-бори билан ана шу тарзда қизқарди «Халқ сўзи»-ни-нинг чиқишига қизиқиш тобора кўпаяётганлиги ҳақи-да гапириб, унинг янада оммалаш, сермазмун бўлиши юзасидан бир неча аниқ тақ-лифларни ўртага ташлади.

Райондаги Сабзавотчилик, картошқаччилик ва полизчи-лик илмий-тадқиқот институ-ти директори вазифасини ба-жарувчи Анвар Боқиев газе-тада ёритилаётган кўпгина

тақлиф-мулоҳазаларини ҳам баён этдилар. Мулоқот ўз мазмунини эъти-бори билан ана шу тарзда қизқарди «Халқ сўзи»-ни-нинг чиқишига қизиқиш тобора кўпаяётганлиги ҳақи-да гапириб, унинг янада оммалаш, сермазмун бўлиши юзасидан бир неча аниқ тақ-лифларни ўртага ташлади.

тақлиф-мулоҳазаларини ҳам баён этдилар. Мулоқот ўз мазмунини эъти-бори билан ана шу тарзда қизқарди «Халқ сўзи»-ни-нинг чиқишига қизиқиш тобора кўпаяётганлиги ҳақи-да гапириб, унинг янада оммалаш, сермазмун бўлиши юзасидан бир неча аниқ тақ-лифларни ўртага ташлади.

## ОЛАМНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

Ривоятларга қараганда, Бухоро арки осмондаги етти қароқчи юлдузлари шаклидаги еттига тош устига қўрилган эмиш. Истамбул, Рим, Киев каби шаҳарлар ҳам еттига тепалик устига жойлашган, деган гап бор. Қўқна Тошкентимиз ҳам «етти қиру етти ўр устига қўрилган» дейишади.

Маълумки, пойтахт шаҳри-мизда тепаликлар сони ундан кўпроқ бўлса-да, қадим замонлардан анъана бўлиб қолган етти сони Рамзий маънода олинган тасодифий эмасди. Зеро, аяқдо-ларимиз учун 7 рақами муқаддас саналиб келинган. Бунинг сабаби ҳам бор.

Утмишда кўпчилик ҳалқ-лар ўртасида ой календарини қабул қилган бўлиб, Ойнинг давомийлиги Ойфаза-ларининг (Ойнинг чорағи, ярим Ой, тўлиқ Ой, янги Ой) ал-манишига қараб белгилан-ган. Бу фаза-лар ҳар 7 кун-да алмашиб туради. Етти кунлик ҳафтаимиз ҳам ана шунга асосланган.

Ой фаза-ларининг алма-шиши турлишдан кўрган қа-дими замон кишилари эса бу рақамда бир қикмат бў-ла керак, деб ўйлаганлар. Етти рақами замонлар ўт-ган сари муқаддаслаштири-либ, илоҳийлаштирилиб бо-риладиган. Шу тариха тур-муш ва маданият ҳаётида ай-рим гушунчаларни бу рақ-дам билан боғлаш анъанаси руждага келган. Халқ ма-қоллари, матал ва топиш-

## Ишчи сулоалари

### ДАВЛАТ АКА ВА УНИНГ ҚИЗЛАРИ

Лавҳа

ЧОП ДАМЛАБ келган Дилдора биринчи пилани отасига узатди. Давлат ака ўқиётган газетасини бир чекага қўйиб, қизининг қўли-да пилани олди. Дилдора-нинг бир нарса демоқчили-гини сезди-ю, ундан сўради: — Ҳа, тинчликми? Бир нарса демоқчинан шекилли, кўринишданга?

Дилдора эса ботинқирамай паст овоз билан гапирди: — Дада, мен ҳам ишга кирсам... Заволдинга бор-самкинми? — отасига юзла-рар экан унинг нима дейи-шини кутиб турли хаялга борди.

— Ихтиёринг, ойлити ёмон эмас. Опаларинг ишлашчи-ти-ку.

Масала бунчалик тез ҳал бўлишини хаялгига ҳам кел-тирмаган Дилдора бирпас анграйиб қолди. Сўзига ўн-га келар экан, раҳмат, деб қўйди.

Давлат ака опаларинг де-ганида натта қизлари Нигора ва Нафисани назарда ту-ган эди. Улар айрим-ўзбек қизлари каби мойта беланиб ишлашдан ор қилиб ўтириш-мади. Оталари ёнига қириб кам бўлишмади. Турмушга чиққач, ўзларини тез оғлаб кеттишди. Катта қиздан уч-та невараси бор. Нафиса

қийналиб бўлса ҳам Охан-гарон қурилиш техникуминин битириб олди.

Дилдора Охангарон шаҳ-ридаги темир-бетон ширка-тига ишга кирди. Отасининг бригадаси аъзолари сағина қўшилиди. Энди бу ишчи су-лоалар сони тўрт кишига етди. Нигора бошқа цехда арамтура турлари аясади. Нафиса отасининг бригада-сида металл қирнади. Дил-дора пех шовинига энди қўнжакяпти. Лекин ишдан ҳеч кимга нолиганича йўқ...

Давлат ака яқин ўттиз йилдан бери корхона билан Қорхотий қишлоғи орасида қатнайди. Раҳбарлар икки-уч марта Охангарон шаҳри-дан хонандон тақлиф қилиш-са ҳам олмади. Айтишча, деҳқон одамга бундай уй-тўғри келмас эмиш. Корхо-нада шунча узоқ вақт ишла-ганлар бармоқ билан сана-рди. Ҳа, ишчи номи ҳалол, уни чидаганлар ейди.

Давлат ака бизни цехга тақлиф қилди. Ўрганмаган одамнинг қўлгои шовиндан таппа битгани ҳеч гап эмас экан. Бригада ишчилари ай-ланаси ўт миллиметрдан 33 миллиметргеча бўлган сим қиққач, ўзларини тез оғлаб кеттишди. Катта қиздан уч-та невараси бор. Нафиса

Узбекистон химия ма-шинасозлиги заводи тамга-си босилган турли-туман ас-соб-ускуналар нафақат она-юртимизда, қатор чет эл-мамлакатларида ҳам маъ-лум ва машҳур, десак ҳато қилмаган бўламиз. Бу ерда ишлаб чиқариладиган, фан-тех-ника тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган машиналар фақат химия sanoatидagina эмас, бошқа жуда кўп тармоқлар-да ҳам кенг фойдаланил-ляти. Шунинг учун ҳам унинг маҳсулотларига талаб тобо-ра ортиб бормоқда. Корхона жамоаси шунинг ҳисобига олиб, бозори қаққон асоб-уску-наларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори улар-нинг янги турларини тайёр-лашни ўзлаштиришга катта эътибор бермоқда. Шунинг учун ҳам унинг маҳсулот-ларига жаҳон бозорига ҳам харидорлар кўпайиб бормо-қда. Жамоа аъзоларининг қадқоқ қўллари ва ақл-зако-вати билан яратилган маҳ-сулотлар ҳам етказиб бе-рилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқари-лаётган маҳсулот сифати-ни яхшилаш, қувватини ошириш, фойдаланишдаги техник-иқтисодий кўрсаткич-ларини юксалтириш бўйича олиб борилаётган ишлардан далolat берувчи бир мисол келтирмоқчимиз.

Маълумки, завод Улуғ Ватан уруши бошлангандан сўнг Россиядан Чирчиққа кўчириб келтирилган эди. Бу ерда дастлаб мудофаа эҳтиёжлари учун маҳсулот-лар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лекин орадан кўп ўтмай, аниқроқ қилиб ай-тганда, 1943 йилининг яна-рида фақат тинчлик мақ-садларида фойдаланиладиган дастлабки турбокомпрес-сор тайёрланди. ТН-700/5 маркали бу ускуна Ўзбе-кистонда sanoatнинг янги тури компрессорлик учун жуда келганлигидан дало-лат берди.

Халқ ҳўжалиги учун зар-ур бўлган янги турдаги на-сослар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бундай маҳсулотлар Россия ва Ук-раиннинг фашистлардан озод қилинган шаҳарлари-га юбориларди. Фақатгина 1944 йилда буюртмадан 600 дан ортиқ турли хил на-сослар ва 150 та худ турбокомпрессорлари юбо-рилди.

Уша вақтда «Ўзбекимё-

маш» заводи жамоаси номи-га келган миннатдорчилик тўла хатлар жуда кўп бўл-ди. Уларнинг бирини асли чирчиқлик ишчи Иван Ру-мянцев Донбасдан юборган эди. Унда шундай дейл-ганди: «Бу ерда вайрон қил-нган шахталар қўлпab тикланмоқда. Уларда Чир-чиқда ишлаб чиқарилган ҳаво компрессорлари ўрна-тиляпти. Улар Донбасга сув ва ҳаводек зарур эди. Урушгача Украина шундай машиналарни Чирчиққа юборган бўлса, эндиликда бу мураккаб техника Ук-раинага ёрдам учун келиб турпти. Бундан биз ниҳо-ятда мамнунимиз».

Шу-шу корхонада насос-компрессор ишлаб чиқариш йилдан-йилга кенгайиб бор-ди. Урушининг охириги йил-да насосларнинг 7 та янги

ҳам янги машиналар яра-тишга муносиб ҳисса қўш-моқдалар.

Корхонада дастлабки компрессор тайёрлангани-га ҳам ярим аср бўлди. Унга эҳтиёж ҳамон катта. Шу қулларда иқтисодийнинг турли соҳаларида қўллани-лиши мўлжалланган ҳар хил турбокомпрессорлар тай-ёрланмоқда. Ҳозирги вақтда уларнинг тури 33 тага етди. Бундай машиналар кимё sanoatидagina эмас, айна вақтда коксокимё, метал-лургия, қанд-шакер, ачқич ишлаб чиқариши ва бошқа тармоқларда ҳам фойдала-нилмақда. Бундан ташқари «Чирчиқ» турбокомпрессор-лари атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида ҳам ишлатилляпти. Sanoat вентилляцияларини, пневмо-транспорт қурилмалари, тозалаш ишшоотларини бу-ласиз тасаввур қилиб бўл-майди.

## Саноатимиз тарихидан

Собиқ Иттифоқнинг тар-қалиб кетиши оқибатида республика sanoati учун зарур бўлган турли хил на-сос қурилмаларини олиш мушкуллашиб қолганлиги учун корхона жамоаси бун-дай маҳсулотлар ишлаб чи-қаришни қайтадан ўзлаш-тирди. Тўғри, ҳозирги вақт-да фанат унинг бир хил ту-ри ишлаб чиқарилмоқда. Бу ишга эндигина киришган жамоа унинг энг зарур тур-ларини тайёрлашни ҳаде-май ўзлаштирди. Ҳозир озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналари учун зарур бўлган насослар ишлаб чи-қаришга тайёргарлик қурил-моқда.

Кейинги вақтларда завод-да асосан турбокомпрес-сорлар ишлаб чиқарилади-ган бўлди. Бошқа маҳсулот-ларини тайёрлаш тулдш корхоналарга олиб берилди. Бундан мақсад халқ ҳўжа-лиги тобора кўпроқ талаб қилётган бундай маҳсулот-лар чиқаришни марказлаш-тириш, демак, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари-ни ошириш назарда тутил-ган эди. Айна вақтда янги, замонавий турларини иш-лаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилди.

Шуни ҳисобга олиб за-водда марказдан қочиб усулга асосланган машина-лар яратиш бўйича махус компрессорлик бюроси ташкил этилди. Ҳозир унга ишлаб чиқариш инженери Ш. Ҳа-Т. Исқандарова, Р. Ҳасанов каби ўз ишини пухта билувчи конструкторлар

Собиқ Иттифоқнинг тар-қалиб кетиши оқибатида республика sanoati учун зарур бўлган турли хил на-сос қурилмаларини олиш мушкуллашиб қолганлиги учун корхона жамоаси бун-дай маҳсулотлар ишлаб чи-қаришни қайтадан ўзлаш-тирди. Тўғри, ҳозирги вақт-да фанат унинг бир хил ту-ри ишлаб чиқарилмоқда. Бу ишга эндигина киришган жамоа унинг энг зарур тур-ларини тайёрлашни ҳаде-май ўзлаштирди. Ҳозир озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналари учун зарур бўлган насослар ишлаб чи-қаришга тайёргарлик қурил-моқда.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу янги машиналар ҳам давр та-лабларига тўла жавоб бера-диган даражада бўлади. Чунки уни яратиш устида малакали мутахассислар, конструкторлар қатори ўз касбининг моҳирлари пай-вандовчилар Василий Каростин ва Таовийал Асил-ев, тоқарлар Валерий Коротенко ва Николай Суб-ботин, чилангарлар Виктор Терешченко ва Олег Ҳай-бураев ҳамда бошқа юзлаб юлери малакали ишчилар шунга бел боғлашган. Улар эса кўп минг ичкилик за-вод жамоасининг фахри ҳи-собланмишди.

О. ЛЕВАК,  
Ўзбекистон кимё ма-шинасозлиги заводи-нинг фахрийси.

## БУЮК МУНАЖЖИМГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Базирлар маҳкамаси жаҳон фани ва маданияти ҳазинасига улкан ҳисса қўшган алломе Муҳаммад Тароғай Улуғбек тазелудининг 600 йиллигига таъбирарлик қилиш ва уни ўт-казиш ҳақида қарор қабул қилди. 22 апрель кунги қўбул маъракага ҳозирлик қирувчи ишчи гуруҳининг мажлиси бўл-ди. Унда тағишли вазирилик ва ташкилотлар, Давлат теле-видение ва радиозаштириш, кино компаниялари, Давлат матбуот комитети, Фанлар ака-демияси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон ҳокимликла-ри 1993-94 йилларда амалгў ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқишлари лозимлиги таъкидланди. Юбилей тантана-ларини уюшқоқлик билан ўткази-ш мақсадида маъмурий ту-зиладиган бўлди.

[9.24]

## Муҳокама учун мавзу

# УМР ЗАВОЛИ

Май нима, зинодан қилиб тур ҳазар, Бу ишлар ҳақидоқ қилган тўғри кийгазар.

Юсуф Хос Хожиб.

Назаримда тарихий муси-батлар ичида энг катта вай-ронагарчиликларга олиб ке-лувчи нарса фақат ички-ликбозлик бўлса керак. Очи-лик, вабо ва уруш асорат-ларининг олдини олиш мумкин, аммо ичкилик-бозлиқнинг инсоният исти-қиқига етказган зарари-ни тузатиш мушкул. Зеро, тубанлик, бузуқлик, намо-мад, похўрлик, тентақлик ва жинсий бебошлик, ақ-лий заифлик сон-саносиз хасталиклар, ўғрилик ва қотиллик, безорилик ва тар-тибсизлик, фалокату ҳало-катлар, ақойиб истеъдод еталарини хароб этишлар-нинг аксарияти ичкилик-бозлик оқибатидир.

Ичкилик туйғайли кайфу сафо қўчасига кириш охи-роқибатда кишига хор-зорлик тўғини кийгазди. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз ички-ликбозлик ва унинг оқибат-лари ҳақида бир қатор на-рлар тўғинан: «Ароқ исанг маст қилур», «Ароқ билан дўст қилур», «Ароқ ичган маст бўлур, нодон каби паст бўлур», «Ароқхўр улфат — келтирар қулдат», «Ароқ-ка салом бераиғ, ақлинг билан хайрлаш», «Маст ки-шига гулзор билан шўра-зор баробар», «Маст келди — паст келди», «Пастдек тоғда ор бўлмас, ароқхўр-да ор бўлмас», «Ароқхўр ўзига кафан бичар», «Ароқ-хўрлик охири хўрлик», «Ичкилик ишининг бузар, охири турмушинг бузар»...

Қарангки, Ислол дини бундан ўн беш аср муъад-дам ароқнинг батамом хар-ром эканлигини, уни истеъ-мо этиш инсонлар ўрта-сида адоват, нафрат ўғри-тишдан бўлак нарса эмас-лигини асослаб берган эди. Лекин ораида ичкилик до-мига илминиб, олмаси, иш-дан айрилиб юрган киши-лар борлиги афсуслана-рлядир.

Уруғ-аждодларга турли оғир хасталиқларни «мерос» қилиб қолдириш, болалар-нинг тентақ, ақли заиф бўлиб тугилишларининг са-

Эркин ҒУЛОМ.



ФРАНЦУЗЛАРНИ  
ЛОЛ ҚОЛДИРГАН  
ГУЛНОРА

Ўзбек пияночиси қизи Гулнора Олимованинг ижрочилиги маҳоратига нозик дидди французлар офарин айтишди. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси фортепиано факультети бўлимида туринчи курснинг бу талабаси Эпинал шаҳрида пианиночиларнинг мўтабаб халқро мусобақасида биринчи бор иштирок этди. У дипломга ва томошбинлар муҳаббатига сазовор бўлди. Ўзбек мусиқачилари халқаро майдонга биринчи бор чиқиб кетганлари йўқ. Бундан аввал Тошкент консерваториясининг ва Успенский номидаги республика ўрта махсус мусиқа интернат-мактабнинг талабаларидан А. Султонов, И. Небольсин, С. Юденичлар хоржий тингловчилар қалбини забт этган эди. Португалиядаги мусиқа танловинда ўзига юртинда яна бир тоғлиқ — Улугбек Полонин муваффақият билан қатнашган. Энди эса Гулнора хоржиди ижрочилик маҳорати тарихига ёрқин саҳифа битди. Эпиналдаги мусиқачилар мусобақасининг 70 нафар қатнашчиси орасида тажрибали ва машур санъаткорлар кўп эди. Атинг олти киши финалга чиқа олди. Улар орасида Гулнора ҳам бор эди.

«ЯХШИДАН  
БОҒ ҚОЛАДИ»

БўКА шахрининг шундоққина марказиди 4 гектар майдон неча йиллардан бун ташландиқ ҳолда бўлиб, бу ерда ҳамма чинида ва ахлатларини тўқарди. Бу эса айниқса ёзда барчанинг дилини хира қилар эди. Бир қатти бирнинг ҳам қадрига етган бир гуруҳ кесалар масхалатлашиб, гапни бир жойга қўйдилар ва ана шу майдонни ободлаштиришга киришдилар.

Раён ҳокимидан руҳсат олган отахонлар тез кунда ишга киришиб кетдилар. Дастлаб майдон турли чиниди, тош ва шағалдан тозаланди. Тоша тупроқ солинди, бир текис қилиб қопилди. Бу ишларни баъзида меҳнат фахримаси Анорбий Мустафоқуллов бош бўлган «Ўзбек», шунингдек «Тошқол», «Янгил ҳаёт» маҳаллаларида истиқомат қилувчи меҳнат ва уруш фахрийлари бошқоқ бўлишди. Хайрли ишдан дарак топган райондаги баъзи бир илтифотли кишилар ҳам қараб туришмади. Хусусан, Т. Мусурмонқуллов 100 туп ёнғоқ, Тимирязев номи жамоа ҳужалиги аъзоси Жума Угли Сардор эса 50 туп мевали дарахт кўчатини янги барпо этилаётган боқчада ҳада этиб, ўз қўлларидан экиб бердилар. Ҳаммаси бўлиб 2200 дан ортиқ дарахт кўчатлари ўтказилди.

«Яхшидан боғ қолади», — дейди район уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаш раиси Одил Париев. — Биз бу хайрли ишга бош бўлган Аъзамхон Тўра Ажмедов, Ваҳоб Бобоҳужаев, Атоулла хўжа Хамидов, Хайрулла Очилов, Карим Йўлдошев, Раҳматулла Ҳамроқулловларга раёсат йиғилишимизда миннатдорчилик билдирдик. Улар айн кунларда боғ парварлишга эътиборни қаратдилар.

З. ЖҲАЕВА.

Сўраган эдингиз



САВОЛ: Биз 1989 йилдан бошлаб хизмат юзасидан берилган квартираларда турмуш ўртоғим орган ходими, мен эса маориф соҳасида ишлайман. Айтингчи, хизматчилар учун берилган хоналар хусусийлаштирилгани?

Р. АБДУЛЛАЕВА, Янгиёул шаҳри.

ЖАВОБ: Амалдаги тартибга кўра давлат уйлари ва корхона, муассаса ва ташкилотларга қарашли уйларида истиқомат қилаётган шахслар учун улар турган квартиралар шахсий мулк сифатида ўтказиб берилди. Бироқ ётоқхоналар, хизмат (служебное) хоналари хусусийлаштирилмиш қондалари кўрсатилмаган.

САВОЛ: Мен 20 йиллик меҳнат стажига эгаман. Шундан 5 йил гувоҳлар билан тасдиқланган. Энди билсам ижтимоий таъминот бўлимида бу беш йиллик иш стажини инобатга олинмапти. Шу тўғриси?

У. УРМОНОВА, Тошкент вилояти, Қиёрай тумани.

ЖАВОБ: Амалдаги нафақаларни тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги қонунга биноан иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, улар уруш йиллари ёки табиий офат, фалочат каби фавқулодда ҳолатлар натижасида йўқолган бўлса, у ҳолда бир корхона, муассаса, ташкилот, жамоа ҳужалиги ёки бир тизимда ишлаган гувоҳнинг маълумотига асосан белгиланади. Бунда ҳужжатлар сақлангани ҳақида давлат архивидан маълумотнома тақдим қилиниши лозим.

Борди-ю шунда ҳам район таъминот бўлими иш стажини тўлиқ инобатга олмаса, вилоят таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

САВОЛ: Мен хунар-техника билим юрти талабаси ҳисобланаман. Биз стипендияларни жуда оз миқдорда оламиз. Президент фармонида биноан олий ўрта ва махсус ўрта ўқув юрталари талабаларининг стипендиялари оширилди. Бизни стипендия оширилмай келмоқда. Қонда қандай?

Ш. НЕЪМАТОВ, Янгиёул тумани.

ЖАВОБ: Хатингизнинг мазмунига қараганда, сиз хунар-техника билим юрти ўқувчиси сифатида бепул ичим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланасиз. Шу сабабли стипендия пули миндори оширилмади. Президент фармони билан ичим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланмайдиган ўқув юрталарининг стипендия пули 1,2 (20 фоиз) 1 апрель 1993 йилдан эътиборан оширилди.

САВОЛ: Мен қишлоқ ўқитувчиси ҳисобланаман. Қонда кўра биз қишлоқ ўқитувчилари электр қувватидан текки фойдаланишимиз керак. Лекин туман

электрэнергиясидан фойдаланиш ташкилоти ходимлари, иш жойинга ҳисобсчётини ёзиб бериб ҳақ ўтказишларни талаб қилаяпти. Иш жойим маъмурияти бундай талабни бажармапти. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

И. ГАНИЕВ, Бўстонлиқ тумани.

ЖАВОБ: Ҳақиқатдан ҳам қишлоқ жойларида яшовчи ва ишловчи ўқитувчиларга турар-жой ва коммунал хизматлардан бепул фойдаланиш имтиёзи берилган. Шулар жумласига электр қувватидан бепул фойдаланиш ҳам кирди. Уларга электр қувватидан ҳар бир хонага 60 шамли, ошхонага 25 шамли электр лампочка ҳисобидан бепул фойдаланиш имтиёзи берилган. Ўқитувчиларнинг электр қувватидан бепул фойдалангани учун ходимини иш жойи ҳисобидан қоплашни қонунда аниқ қилиб кўрсатилмаган.

Бу масалада сиз туман молия бўлимига мурожаат этсагиз мақсадга мувофиқ бўлади.

САВОЛ: Отамиз вафот этган. Оила аъзоларимиз 10 кишидан иборат. Бир синглим 8-синфда, укам 8-синфда, бошқаси мактабни шу йил тугатади. Айтингчи, шу укаларим учун нафақа берилдими? Унинг миқдори қанча?

Н. НУРИТДИНОВ, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани.


ЖАВОБ: Ҳа, амалдаги нафақалар тайинлаш ва тўлаш қонунига биноан берилди. Сизни онангизга укаларингиз учун, улар 18 ёшга тулганларига қадар (агар иттиҳомасалар 18 ёшга тулганга қадар) боқувчисни йўқлиги ҳақида нафақа пули тайинланади ва тўланади. Кўнглик миқдорини аниқлашда онангиз ишлаётган туман ижтимоий таъминот бўлими отангизнинг иш стажини ва иш ҳақини ҳисоб-китоб қилган ҳолда болалар учун нафақа пули миқдорини аниқлайди.

Демак, онангиз ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиши лозим.

САВОЛ: Мен 1992 йил 3 февралда иш жойимдан бўшаб бошқа районда ишга давом эттирдим. 4 ойдан сўнг яна ўз жойимга ишга қайтдим. 14 йиллик иш стажини бор. Ҳозир узлуксиз иш стажим бузилган деб ҳақ тўлашмапти. Шу тўғриси?

С. БОҚИЕВ, Бекobod райони.

ЖАВОБ: Хатингизнинг мазмунига қараганда сиз бошқа жойга ишга борганингизда ўрнатилган муддатдан бирмунча кечроқ ишга давом эттиргансиз. Натижада ишдан бўшаб янги ишга жойлашиш 3 ҳафтадан кўпроқ вақтга туғри келган. Узлуксиз иш стажини бузилгани учун касаллик вақти ҳисоб-китоб қилиниб, 60 фоиздан ошмаган ҳолда тўланади. Демак қонунга хилоф равишда иш тўлтирмаган.



Танишинг:  
«Политотдел» ўйинчилари

«ПОЛИТОТДЕЛ» жамоа ҳужалиги футболчилари ўтган йили республика миалли биринчилигини биринчи табақасида тўл суриб, мавсум якунида голиблар сафидан жой олган ва кучлилар давраси — олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар.

Лекин бу йил республика футбол федерацияси мусобақалар календарини тасдиқлаб, эълон қилганда мухлислар рўйхатда «Политотдел» ни кўришмади. Мусобақалар жадаллари «Политотдел» урнида МХСК (Тошкент) номи қайд этилган эди. Тошкентда «Пахтакор» ва МХСК жамоалари уршушу бошлангич олимпиада «Политотдел» командаси бошлиғи Убайдулла Миржалолов билан суҳбатда бўлиб. У ўз жамоаси ҳақида, мавсумнинг дастлабки ўйинлари тўғрисида фикрлари билан ўртоқлашди.

«Политотдел» командаси бу йилги мавсумга бош мураббий Владимир Бондаренко, устозлар Виктор Жалолов, Вячеслав Тигай ва Анатолий Казаков бошчилигида тайёргарлик кўрдилар. Дастлабки учрашувларда жамоанинг етакчи ўйинчилари иштирок этмаган бўлса-да, «Янгир» нин 4:0, «Динамо» нин 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратилар.



«Политотдел» командаси мухлислар учун кутимланган натижа бўлди. Колхоз футболчилари Тошкентда «Трактор» ва Чирчиқда маҳаллий футболчилар билан бўлган ўйинларда 0:1 ва 1:2 ҳисобларида енгилдилар. Ҳозир майдонда ўтган йилги биринчилигини бронза совриндори — Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси билан бўлган ўйиндан (гарчанд ютқизик бўлса

мухлислар қониқиб ҳосил қилдилар. Биринчи бўлимда 0:2 ҳисобида, 58-минутда эса 0:3 ҳисобида ютқизиб турган колхоз футболчилари кейинчалик уршушувда бурлиш ясамаган кетма-кет тўп киритиб, орадаги фарқни йўқотиб ҳаракат қилишди. 3:4 ҳисобида енгилганишган бўлса-да, уларнинг ўйини то-

мошабилларда яхши таассурот қолдирди. Командада кўплаб иқтидорли ёшлар борлиги қувончли ҳол. Уларнинг қувончли 16—19 ёшли йилларлар, Эгизак Александров ва Алексей Абдуқолиқовлар 1975 йилда туғилган. Олий Шокиров билан Андрей Яровой ҳимоя билан ҳужумни бошлашда катта тажрибага эга. Ҳужумчилар Олег Шапчик, Алексей Винников, Авазбек Холматов, Илгиз Шокиров, Жаҳонгир Рўзқуллов сини-

гари футболчилардан умид қатта. Ҳужалик жамоаси бошқарувчи футболчилар учун шарт-шароитин яратиб берган. 12 минг томошабинини сизгир олдиган ўйингоҳда мазмуни қордиқ чинарнин, шунингдек футбол майдонини талаб даражасида сақлаш учун стадион маъмурияти доим ҳаракатда. Футбол клубига «Совамерикэн Трэт» фирмаси ҳомийлик қилмоқда. Фирма президенти Булат Чигаев ҳақиқий футбол жоюкюлари. Юносободдаги 8-автотбус парки маъмурияти қўрсатаётган ёрдамдан ҳам футболчилар миннатдор.

— Муаммолар ҳам борми? — Нолишни ёмон кўрамани, лекин команда бошлиғи бўлганлигим учун бир масала устда тўхталиб ўтгани жоиз деб биламан. Бозор иқтисодиёти ҳамма жойда ўз таъсирини кўрсатишмоқда. Жамоанинг бир неча ўйинчилари бошқа клублардан тақлиф қилинган. Улар ҳозирча меҳмонхонада яшоб туришмоқда. Меҳмонхона ҳақинин эса ўзингиз билсангиз керак. Мана шу ижара ҳақи бошқа мақсадда сарфлана, ёки айтилик, футболчиларни рағбатлантириш учун ишлатилса айна мудоаб бўларди.

Ҳозирда «Политотдел» 16 жамоа ўртасида тўрт очко тўплаб, ўн биринчи ўринни эгаллаб турибди. Тўплар нисбати 11:11. Мухлислар севишли командасини юқоририқ ўрнида кўришни истайдилар. Мавсум ўйналарин энди қизимонда. Ҳали кескин кураш олдиди. «Политотдел» ҳужумкор ўйини билан ўз мухлисларини курсанд этади, деган умиддамиз.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

УШБУ вазиат «Политотдел» жамоа ҳўжалиги футболчиларининг Тошкентнинг «Трактор» командаси билан бўлган уршушу даида тасвирга тушрилган. (Чапдан ўнгга) «Политотдел» ўйинчилари Сергей Лошак, Алексей Абдуқолиқов, Юрий Винтовкин ва Павел Жалоловлар рақиблар билан тўп учун курашда.

Сураткаш Д. МИХАЙЛОВ.

ҲАР ТУҒРИДА

ТУЛКИ ТУЛКИЛИГИНИ ҚИЛДИ

ТОВУҚ тулкининг жонидили эканлигини яхши билсан. У шундай мазали эмиш излаб товуқхонага тўғри кириш иложини тополмасдан чорлоққа амал қилиб чиқиб олиб, ишдаги тешик орқали товуқхонага тушиди. Киришга кириб олиб, чиниша йўл топаолмай қолди. Паррандабоқар товуқларга дон бериш учун келганда ўтказиб ёришиб кетай деган мўғомбир ваҳший деразга сакради. Ойна жаранглаб санди, унинг орқасида эса металл панжара бор эди. Жаҳли чиққан товуқбоқар эгинини ечиб, қароқчиға улоқтирди. Тулки эса полга аранаб тушганча қимир этмай қолди. Паррандабоқарнинг чақирғини билан товуқхонага келган кишилар экинни очкилар билан шу заботиқ оловранг тулки отилиб чиқиб, жуфтаникни ростлади. Сал олдин эса у ўзини ўлганга солиб ётган эди. Одамлар эс-ҳушини йиғиб олгунча қичи орадаги жарлик, чакалакзор ичига кириб кўздан гоийб бўлди. Тулки тулкилигини яна бир бор исбот қилди, деб ёзда «Труд» газетасида шўвокеани ўз кўзи билан кўрган табиатшунос Ю. Новиков.

АҚЛИ ЕТГАННИ ҚИРАГАН

БИР ЖАРРОҒ оёғи чиниб кетган қуруқчани кўтариб олиб, унга олиб кетди. Мақсади уни даволати эди. Оёғини жойига солиди, яна уч кун парварни қилиб, шундан кейин қўйиб юборди, деб ёзилди «Труд» газетасида. Кучуқча ҳар кун эрталаб янги эгасининг олдига келарди. Жарроҳати таомилла битиб кетгунча шундай қилди. Орадан бир неча ой ўтиб кетди, кучуқча кўримай қолди, жарроҳнинг ҳам эсидан чиқаёзи бу воқеа. Шунча вақт ўзиб кетганига қарамай у кўнларнинг бирда яна пайдо бўлди. Бу гал у ёлғиз эмиш, ёнида ўзига ўхшаш оёғи чиққан яна бир лагча турарди. Эски қаддон кучуқча ўз «дўстига» нажот излаб, жарроҳга умид билан тикиларди. Албатта, би илтимос ҳам қондирди. Итинг ақлига кишилар қойил қолди.

КОСАТКАНИ ДАВОЛАБ...

ФРАНЦИЯНИНГ Антиб шаҳридаги ҳайвонот боғида сақланаётган «Танук» лаблади ўн йилли қосатканинг тизилган оғриб кетди. Дельфилар оқимасидан бўлган бу сутэмизуви ҳар кунга таомини, яъни 70 килограмм янги тузилган баланик емай қўйди. Ҳайвонот боғи хизматчилари нима қилишни билмай ҳайроқчиға урчаб қолдилар. Вази уч тоналлик қосатка бажарил ва бетинч бўлиб қолди. Бундай жониворларни даволоччи ветеринари топиш керак эди. Қосатка эса ваҳший, одамга ташлиниши ҳам мумкин. У денгиз мушуклари ва бошқа ҳайвонлар, ҳатто, китларга ҳам ҳужум қилади. Ниҳоят британилик денгист Питер Кертес исми доктор табиб топила. Унинг иши жуда машаққатли бўлиб, ханжар тиградек ўтқир барча 46 та тишга тозаланди ва касалга чалинганларини даволди. «Танук» яна илгариги вақтдагидек кучанок, шўх, ўйинчакор бўлиб кетди, иштароҳи ҳам очилди.

Мухаррир Н. НАСИМОВ.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва қонун  
ПРОКУРОР ОҒОҲЛАНТИРГАЧ...

АТРОФ-муҳитга, инсон ҳаётининг пойдевори бўлиб шобатна бениҳоя ҳатта зарар етказилаётган қорин пайдада уни ҳар томонлама асраб-авайлаш энг долзарб масала бўлиб турибди. Бу кураш — бутун инсониятга қарата айтилган қатъий оғоҳлантириш, ўзинга ҳо давват мақомига эгадир. Она табиатни муҳофазаниш учун, аввало, унга ҳаф солаётган ҳар бир манба зудлик билан бар-тароф этилиши лозим. Акс ҳолда... у ўнголмас, тузатиб бўлмас оғир оқибатларга олиб келиши, шубҳасиз. Президент фармонлари ва ҳўкумат қарорлари ижросини мунтазам назорат қилиб келаятган Бўна район прокуратураси табиатни муҳофазани қилиш масалаларига ҳам жиддий эътибор бериб келмоқда. Бунга анча-мунча миқсодлар бор.

Бўна район табиатни муҳофазани қилиш комитети Ҳамза номи жамоа ҳўжалигида табиий муҳитга катта зарар етказилаётганини аниқлаб, жарима солган эди. Аммо аҳвол узоқ вақт қандай бўлса

шундай қолиб келаверди. Бундан хабар топган район прокуратураси жамоа ҳўжалиги раҳбарлари номига расмий оғоҳлантириш хати юборди.

Бўна район прокурори, адлия масхалатчисини Н. Ғрашевнинг Ҳамза номи жамоа ҳўжалиги раиси Р. Уккибоевга расмий оғоҳлантириш хатидан:

«Мен... «Сувни ифлослантиришдан келган зарарни ундирин ҳақида»ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан ўтказилган текширув ҳужжатлари билан та-

нишиб, қўйидагиларни аниқладим:

— Бўна район табиатни муҳофазани қилиш комитети томонидан Ҳамза номи жамоа ҳўжалигига қарашли қишлоқ ҳўжалик техникаси учун ёниги сақланган жой амалдаги қонун талабларига мутлақ жоавб бермаслиги ва ёниги-мойлар оқаваси Ғозгон канал сувини захарлаётганини аниқлаиб, расмий ҳужжатлар тузилган. Лекин, сиз томондан назоратнинг йўқлиги сабабли қонун талаблари бузилган...»

Хат раисга қаттиқ нор қилди. Наминдик тезда тузатилди. Табиатни асраш комитети томонидан солинган 9690 сўм жарима пули давлат ҳазинасига ўтказилди.

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ЖАМОА ҲУЖАЛИКЛАРИ, ДАВЛАТ ҲУЖАЛИКЛАРИ, КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ФЕРМЕРЛАР

ДИҚҚАТИГА!  
«ТАШОБЛАГРОПРОМКОМПЛЕКТ» КОРХОНАСИ

Кабель-сим маҳсулотлари, ёритиш арматураси ёғоч-созлик дастгоҳлари, бетон қориншмалари, 3-25 м<sup>3</sup> ҳажмли нефть сақланадиган катта идиш, чорвачилик, савдо-технология ускуналарини

СОТАДИ  
НАРХИ БОЗОР ВАҲОСИДАН АРЗОН.

Харид қилишни хоҳловчилар қўйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хасково кўрғони. Телефон — 47-21-29.

Ҳисоб-китоб олдидан чек билан ёки дўкон орқали нақд пул билан амалга оширилади.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг РЕКЛАМА-АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ бизнинг газетамиз учун РЕКЛАМА ВА ШАХСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ ЧОП ЭТИШ ЮЗАСИДАН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сизнинг реклама ва эълонларингиз бизнинг газетамиз саҳифаларида зудлик билан босиб чиқарилади. «ШАРҚ» концерни реклама-ахборот агентлигининг манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 252-хона. ТЕЛЕФОНЛАР: реклама — 33-81-42, 56-85-67, 32-57-27, 32-56-66.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси Чуқур босма цехи бошлиғи М. Э. Миноваровга отаси Этанберди МИНОВАРОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таззия издор қилади.

Тошкент ҳақиқати  
МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.  
БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.  
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.  
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.  
Эълон ва билдирувлар кечиктирмий чоп этилиши кафолатланади.  
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар.  
Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жаовб қантарилмайди.